



# Тошкент Оқшомми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 242 (11.553)

Баҳоси эркин нархда

## Ўзбекистон — Туркманистон: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 13-14 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Ўзбекистон ва Туркманистон халқларини умумий тарих, муштарак маданият ва қадриятлар бир-бирига боғлаб туради. Ўзбек ва туркман азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотик қилиб, тўй-томошаларида меҳмон бўлиб келади. Аждодларимизнинг илмий ва адабий мероси ҳам халқларимизнинг умумий мулки саналади. Ўзбекистонда Махтумқули, Туркманистонда Алишер Навоий асарлари кириб бормаган хонадон йўқ, деса бўлади.

Мамлакатларимиз мустақилликка эришганидан кейин аънаванавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янги замон руҳида ривожлана бошлади. Ўзаро муносабатларни ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам бирдек манфаатдор. Бу муштарак манфаатдорлик олий даражадаги учрашувларнинг мунтазам тус олишига асос бўлди. Ўзбекистон Президенти 2007 йилда Туркманистонга, 2008 ва 2009 йилларда Туркманистон раҳбари Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бу гал Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Ашхободда учрашдилар.

Туркманистон Президентининг саройида 13 декабрь куни давлатимиз раҳбарини расмий қутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркманистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафидан олдин ўтдилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг яқкама-яқка суҳбати бўлди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг мазкур ташрифи ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосидаги икки томонлама ҳамкорликка янги суръат бахш этиши ва уни янада юқори погоналарга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболга оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Жумладан, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорлигига, минтақавий

хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Бугунги кунда икки томонлама алоқалар 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарлари бу муносабатлар қўламини янада кенгайтириш, янги мазмун билан бойитиш учун барча имкониятлар етарли эканини қайд этдилар.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг тинчликпарвар ташқи сиёсати, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаши, минтақавий таҳдидларнинг олдини олиш масаласига ёндашувларнинг мослиги сиёсий соҳада мамлакатларимизни ўзаро яқинлаштирадиган муҳим жиҳатлардир. Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам терроризм, диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши ҳамкорликда курашиш зарур, деган нуктаи назарни ёқлайди. Мамлакатларимиз минтақавий интеграцияни ривожлантириш Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, янада изчил тараққиётни таъминлашнинг муҳим омили деб ҳисоблайди.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масаласи муҳокама қилинди. Трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехник иншоотлар барпо этиш чоғида минтақанинг барча мамлакатлари билан маслаҳатлашиш, мустақил халқаро экспертларнинг хулосасини олиш зарурлиги таъкидланди.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, аввало, Ўзбекистонда ҳам, Туркманистонда ҳам энергия манбаларининг йирик конлари мавжуд эканини, нефть-газ саноати жадал ривожланиб, хорижий сармоядорлар билан шериклик алоқалари қўламини кенгайтириш билан таъкидлаш жойиз. Мамлакатларимиз бу соҳада икки томонлама ҳамкорлик баробарида кўп томонлама лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Туркманистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой газ қувури бунинг ёрқин тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### Тадбиркорлик ИЗЛАНИШЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

**Астойдил интилиш, ташаббус кўрсатиш, албатта ўз самарасини беради. Буни пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «AZN» масъулияти чекланган жамияти мисолида яққол кўриш мумкин. Чунки жамоа ёшларининг ташаббуслари муваффақиятга етаклаб, корхона нуфузи ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Ушбу корхона маҳсулотлари бугунги кунда фақат юртимизда эмас, балки ҳамдўстлик давлатлари ҳамда хорижий мамлакатларда ҳам ўз харадорини топтомоқда. Мамлакатимиздаги ҳамда халқаро кўрсаткичларнинг намойиши, қўриқ-танловлардаги муваффақиятлари тадбиркорларни эл-юртга танитмоқда.

— Мустақил юртимизда тадбиркорлик равнақига, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор муваффақиятларимизда асосий омили бўлмоқда, — дейди корхона раҳбари Анвар Назиров. — Албатта, мен тадбиркор сифатида ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланишга, юртимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшишга интилоқман. Бу, албатта, меҳнат қилишни, изланишни, ташаббус кўрсатишни тақозо этади. Изланишларимиз самара бермоқда, янги-янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга, харадорлар талабини қондиришга муваффақ бўлялмиш. Айниқса, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрқинлик товарларимизга хориждан ҳам харадорлар борлиги, маҳсулотларимиз экспорти ҳажми тобора ортиб бораётгани биз-

ни янада илҳомлантиради. Энг аҳамиятлиси эса бозор ва харадор талабидан келиб чиққан ҳолда тайёрланаётган маҳсулотларимиз сертификатга эга бўлиб, халқаро андозаларга ҳам мослиги билан ажралиб туради. Бу борада жамоамизда меҳнат қилаётган 70 нафардан зиёд малакали мутахассисларнинг, моҳир дизайнерларнинг муносиб улуши бор.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, хусусий тадбиркор сифатида бундан бир неча йил аввал иш бошлаган Анвар Назиров ўз йўналишларини кенгайтириб, «ASN» корхонасини ташкил этди. Корхонада одис мебеллари, савдо шохобчалари учун маиший музлаткичлар, замонавий пештахталар ишлаб чиқарилмоқда, улар харадорларини топтомоқда. Биргина мисолни келтирадиган бўлсак, Президент соврини учун аънаванавий ўтказиб келинаётган «Ташаббус» қўриқ-танловининг мамлакат миқёсидаги босқинчида катнашиш ҳуқуқини қўлга киритган корхона директори Анвар Назиров 2008 йилда юртимизнинг энг яхши тадбиркори деб эъланроф этилди. Тадбиркор ва хунармандларни рағбатлантириш, уларни эл-юртга тани-

тиш мақсадида ўтказилган мазкур танловда корхона 1-ўринни қўлга киритиб, Президентимизнинг бош совринига сазовор бўлди.

— Бундай рағбатдан бошимиз осмонга етди, — дейди корхона раҳбари. — Ва албатта, юксак ишончни оқлаш йўлида изланмоқдамиз. Янги технологик линиялар келтириб, цехларга ўрнатишни, маҳсулотнинг рақобатбардощ турларини кўпайтиришни, ёшлар учун қўшимча ишчи ўринлари яратишни мақсад қилганмиз. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқларда қурилаётган савдо масканларини ҳам замонавий жиҳозларимиз билан таъминлаб, аҳолига қўлайлик яратишга ҳисса қўшамиз. Ўз фирма дўконларимизда эса хизмат сифатини янада оширамиз.

Яхши ниятлари ўзларига ҳамроҳ бўлаётган тадбиркорлар жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни кўзда тутишган ва натижалар шунга яраша бўлмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТДА:** цехларда малакали мутахассислар меҳнати самарасини кўриш мумкин.

Ҳакимжон Солихов олган сурат

ошириш учун тенг шарт-шароит яратишга оид талабларига риоя қилиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу жараён «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида» сайлов тўғрисидаги Қонун ва Марказий сайлов комиссиясининг тегишли мезърий-ҳуқуқий ҳужжатларига биноан тартибга солинади. Ушбу масала юзасидан ҳам Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. (Ўза)

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 14 декабрь куни навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини Комиссия раиси М.Абдуллоев бошқарди. Мажлисида оммавий ахборот воситалари, ЕХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловларни баҳолаш бўйича миссияси вакиллари иштирок этди.**



Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда қатнашувчи кузатувчиларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти,

Ислам конференцияси ташкилотидан кузатувчилар миссиялари, шунингдек, 36 давлатдан, жумладан, Австралия, Бельгия, Венгрия, Буюк Британия, Германия, Греция, Миср, Исроил, Хиндустон, Испания, Италия, Индонезия, ХХР, Кувайт, Латвия, Малайзия, Голлан-

дия, БАА, Покистон, Польша, Корея Республикаси, Россия Федерацияси, Словакия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Украина, Франция, Япония ва бошқа мамлакатлардан кузатувчилар рўйхатга олинди. Бўлажак сайловда халқаро кузатувчи сифатида ишти-

рок этиш учун чет давлатлар ва халқаро ташкилотлардан 250 дан ортиқ вакил рўйхатга олинди. Мажлисида сайлов қонунчилигининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини амалга

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларида полиз экинлари ва сабзавотнинг янги навларини яратиш, мавжудларини янада такомиллаштиришга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбойжон, Грузия каби мамлакатларнинг олим ва мутахассислари иштирок этди.

● Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодларини саралаш танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичида голибликни қўлга киритган 66 нафар иқтидорли қиз таълим, адабиёт, фан, маданият ва санъат йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Аналар куйлаганда» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида голиб бўлган жамоалар иштирок этди.

● Андижон вилояти Кўрғонтепа туманининг Дардоқ қишлоғида саноат ва транспорт касб-хунар коллежи фаолият бошлади. Ўқув даргоҳининг мухташам биносини бунёд этиш учун «ХКМС-1» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари 2 миллиард 500 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Шу тариқа тумандаги касб-хунар коллежлари сони 7 тага етди.

● Тошкентдаги Киночилар уйида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Япон Фонди ҳамкорлигида «Замонавий япон фильмлари кунлари» ўтказилди.

● «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ғаждувон туманидаги Паноб қишлоқларида замонавий лойиҳадаги уй-жойлар тезкорлик билан қад ростлапти. Хар иккала аҳоли пунктида йил охиригача 20 тадан барча қўлайликларга эга бўлган уйлар қуриб, битказилиб эгаларига топширилади.

## ЖАҲОНДА

● Абхазияда президент сайловлари бўлиб ўтди. Абхазия Марказий сайлов комиссиясининг маълумотига кўра сайловда 61,16 фоиз овоз тўплаган С. Багапш ғалаба қозонди. Шунинг таъкидлаш жоизки, Европа Иттифоқи Абхазиядаги сайловларнинг конституциявий ва ҳуқуқий асосини тан олмади.

● Чеченистон Президенти Рамзан Қодировга милиция генерал-майори унвони берилди.

● Италия Бош вазири Сильвио Берлусконига тарафдорлари билан учрашуви чоғида суиқасд уюштирилди.

● Франция ҳукумати 1980 йилда Мисрдаги Луксор водийсидан ўғирланган ноқонуний тарзда мамлакатдан олиб чиқиб кетилган бебаҳо тарихий ашёларни Кохира давлат тарих музейига қайтарилишини расмий тарзда маълум қилди.

● Кеча Ингушетиянинг Молгобек шаҳрида сапёрлар томонидан йирик газ ўтказгичга ўрнатилган иккита портловчи қурилма зарарсизлантирилди.

● Кеча Бойкўнғирдаги космодромдан Россиянинг «Протон-М» ракета элтувчиси учта Глоннас сунъий йўлдоши билан коинотга муваффақиятли парвоз қилди.

● Фаластиннинг ХАМАС ҳаракати аъзолари агарда фаластинлик маҳбуслар Исроил қамоқхоналаридан озод этилмаса исроиллик ҳарбий Г.Шалит умрбод қамоқ жазосини ўташини билдирдилар.

● Нью-Йорк шаҳридаги «Кристис» аукционида ҳажми 39 қаратга тенг бўлган эрамиздан аввалги VI асрга тегишли нок шаклидаги олмос 5 миллион 402 минг АҚШ долларига сотилди.

● АҚШнинг Коннектикут штатида муз билан қопланган йўлда 50 та автомашинанинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида 64 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

Ўзбекистон — Туркменистон:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундай лойиҳалар негизда нафақат иқтисодий, балки сиёсий ва гуманитар манфаатлар ҳам муҳасам. Қувур тортиш чоғида унинг теварагида инфратузилма барпо этилиб, янги иш ўринлари яратилади. Янги қувурлар мамлакатларимизнинг транзит салоҳиятини оширади.

Транзит деганда, кейинги гап ўз-ўзидан транспорт соҳасига бориб тақалади. Транспорт коммуникациялари Ўзбекистон — Туркменистон иқтисодий ҳамкорлигининг яна бир муҳим бўғинидир. Айни пайтда Ўзбекистон худуди орқали Туркменистонга, Туркменистон худуди орқали Ўзбекистонга катта миқдорда юк ташилади. Бундан ташқари, мамлакатларимиз учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтайди.

Президентлар музокарани Ўзбекистон ва Туркменистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон табиий газ қазиб олиш ва узатиш борасида дунёдаги етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. Туркменистондан Хитойга тортилган газ қувури ҳамкорлик имкониятлари ўз вақтида ва тўғри ишга солинаётганини кўрсатади. Биргаликда сарможа жалб этиш, йирик халқаро консорциумлар тузиш орқали Ўзбекистонда ҳам, Туркменистонда ҳам нефть-газ соҳасида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Бу нефть-газ сановати келтирадиган даромадни бир неча ҳисса ошириш имконини беради. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Туркменистонга сиёсий ва гуманитар манфаат ҳам келтиради. Чунки бу орқали ҳамжиҳатлик мустаҳкамланади, янги иш ўринлари, янги инфратузилма иншоотлари барпо этилади.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Туркменистон халқаро транзит юк ташиш борасида катта имкониятларга эга. Бу соҳадаги амалий ҳамкорлик туфайли йилга мамлакатларимиз худуди орқали ташиб ўтиладиган Ўзбекистон ва Туркменистонга тегишли экспорт-импорт юклари ҳажми қарийб 2,5 миллион тоннага етади.

Шуни ҳам таъкидлаш кераки, эндиликда Ўзбекистоннинг «Навоий» аркин индустриал-иқтисодий зонасига Туркменистон сарможаси ва ишбилармонларини жалб этиш имконияти пайдо бўлди.

Мамлакатларимиз ҳамкорлигида қишлоқ хўжалиги ҳам устувор соҳалардан ҳисобланади. Ўзбекистондан Туркменистонга пахта териш машиналари, тракторлар, прицеплар, минерал ўғитлар етказиб бериш ҳажмини ошириш ҳам икки томон учун фойдалидир. Гурбангули Бердимухамедовнинг 2008 йилдаги Ўзбекистонга ташрифи чоғида агро-сановат мажмуи соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди.

Дунёда энг сердаромад соҳалардан бирига айланган бораётган сайёҳлик ҳамкорлигининг яна бир устувор йўналишидир. Бу борадаги ҳамкорлик икки томонлама сайёҳлар алмашувини ривожлантиришга, халқ ҳунармандлиги буюмларини тайёрловчи ус-

таларнинг меҳнатини рағбатлантириш ва даромадини оширишга, сайёҳлар жалб қилишга, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркменистон, Туркменистонга келган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишни йўлга қўйиш мумкин. Шу тариқа миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам яхши замин ҳозирланади.

Ўзбекистон Туркменистонга хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, механик ускуналар, транспорт воситалари, шиша ва қора металл ҳамда улардан тайёрланган буюмлар, оптик асбоблар, кимё маҳсулотларини экспорт қилади. Туркменистондан Ўзбекистонга пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар, хизматлар, минерал моддалар, неорганик кимё маҳсулотлари импорт қилинади. Албатта, икки томонлама савдодаги товарлар рўйхати бундан анча катта. Сўнгги икки йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробардан зиёд ошди.

Фойдаланмаётган имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш ва ривожлантириш Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия зиммасига юкланган. Сўнгги йилларда Президентлар ташаббуси билан ушбу комиссия мунтазам равишда мажлислар ўтказиб келмоқда. Тошкентда ва Ашхободда икки мамлакатнинг миллий кўرғазмалари ташкил қилинди.

Музокарада гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Албатта, бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинлик, аънавий дўстлик ришталарини муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг маданият ва санъат намоёндалари икки мамлакатда ташкил этиладиган фестивал, кўрғазма ва форумларда мунтазам иштирок этиб келадилар. Хусусан, туркменистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиларидир.

Музокарада яқинда Президентлар Ўзбекистон-Туркменистон қўшма баёноти ҳамда фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи худудларда истикомат қилувчи фуқаролар учун енгиллаштирилган тартиб тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги протоколга имзо чекидилар. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон қўшма комиссияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 2010-2011 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислол Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов музокарадан очиб, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги му-

носабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишни таъкидладилар.

— Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда, — деди Ислол Каримов. — Сўнгги йилларда айниқса иқтисодий ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда. Кейинги икки йил давомида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробардан зиёд юксалгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

— Биз Ўзбекистон билан муносабатларни юксак кадрлаймиз, мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги ҳам миллий тараққиёт, ҳам минтақавий ва халқаро ривожланиш тамойилларига асосланади, — деди Гурбангули Бердимухамедов.

Ташрифининг иккинчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов Туркменистон шаҳрида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао ва Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан бирга тўрт мамлакат худудидан ўтувчи халқаро газ қувурини фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этди.

Бу йирик лойиҳа Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар кўп томонлама ҳамкорлик доирасида ҳам изчил ривожланиб бораётганининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Ашхобод сафари асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди. Музокарада икки томонлама муносабатлар 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётгани қайд этилди.

— Биз Хитой раҳбари билан ҳар бир учрашувни ҳамда ушбу мамлакат билан ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларини юксак кадрлаймиз, — деди Ислол Каримов. — Ўзбекистон Хитойни ўзининг энг яқин ва ишончли ҳамкорларидан бири, деб билди.

— Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг жорий йил июнь ойида бўлган Екатеринбург саммити доирасида ўтказилган учрашувимиз гоёт самарали бўлди, — деди Ху Цзиньтао. — Ўзаро ҳамкорлик борасида мамлакатларимиз сўнгги ярим йил давомида катта ютуқларга эришди.

Ислол Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга расмий ташрифи ҳар жиҳатдан самарали бўлиб, ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиздир. Ислол Каримовнинг ташрифи Туркменистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

**Анвар БОБОЕВ,**  
**ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ.**  
Тошкент — Ашхобод — Туркменистон — Тошкент.

Иқтисодиёт

БОЗОР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

**Хорижий шериклар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифати билан ташқи ва ички бозорда харидорини топмоқда.**

«TOSHAFUS» қўшма корхонаси ҳам ана шундай жамоалар сирасидан бўлиб, бу ерда бозор талаблари асосида иш юритилаётгани яхши самара бермоқда. Корхона цехлари янги технология ускуналар билан жиҳозлангани боис ҳам тайёрланаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги таъминланмоқда. Технологик ускуна ва дастгоҳлар қувватидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган эҳтиёт қисмлар мамлакатимизда тайёрланаётган «MATIZ» ва «NEXIA» автомобилларига қўл келмоқда.

Корхонада мазкур автомобилларда қўлланиладиган иссиқлик насослари тайёрланади. Шуниси эътиборлики, илгари мазкур зарур эҳтиёт қисм Жанубий Кореядан келтирилари. Эндиликда эса корхонанинг ушбу рақобатбардош товарни бемалол импорт ўрнини босмоқда. Шунинг баробарида у четдан келтириладиган худди шундай маҳсулотдан бирмунча арзонлиги билан ҳам ажралиб туради. Сифати эса жаҳон андозалари даражасида бўлишига эришилмоқда.

Айни пайтда хорижий шериклар билан ҳамкорликни янада ривожлантираётган корхона тadbirkorлари автомобилсозларга янги-янги эҳтиёт қисмлари етказиб бериш йўлида изланишмоқда. Ушбу эзгу мақсадларни амалга ошириш учун эса юксак унумли хорижий жиҳозлар билан таъминланган янги цех шараф ташрифтди. Албатта, янги иш ўринлари яратиш, ишчилар малакасини ошириш ҳам кўзда тутилган.

МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙДИ

**Бозор талаби асосида ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар, албатта, харидорини топишни бугунги изланувчан тadbirkorларимиз жуда яхши билишади.**

Нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатларда ҳам харидорига эга бўлган «BARCINOY» хусусий корхонасида бугунги кунга келиб 150 хилдан зиёд маҳсулот турлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг фаолият кўрсатаётганига 15 йилдан ортиб, йил сайин ишлаб чиқариш ҳажми ва ишчи-ходимлар сони кўпайиб бормоқда. Бугунги кунга келиб бу ерда 100 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, илгор технологияларни қўллаган ҳолда турли-туман маҳсулотларни буюртмачиларга етказиб бермоқда. Энг муҳими эса уларнинг сифати юқори даражадалидир. Мазкур корхонада бир йиллик айланма маблағ ҳажми 600 миллион сўмдан зиёдни ташкил этмоқда.

Корхонада асосан трикотаж кийим-кечаклар, бўз ва чит маҳсулотлари, қоғоз-галтак, пар кўрпа ишлаб чиқарилади ҳамда матоларга турли ранглار бериш ҳам амалга оширилади. Tadbirkorлар Россия, Туркия, Германия сингари хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Маҳсулотлари ички бозорда харидорини топиши баробарида хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Чет элик ҳамкорлар билан алоқаларини янада кенгайтиришга интилаётган корхона tadbirkorлари Украина давлатида «Савдо уйи» очишга саъй-ҳаракатини бошлаб юборишган. Албатта, йил охиригача бир неча янги иш ўринлари яратишиб, ёшларни иш билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

ХАРИДОРЛАРИ САФИ ОРТМОҚДА

**Харидорлар сафи кенгайишида, шубҳасиз, тadbirkorлик билан иш юритиш, талаблар даражасида маҳсулот тайёрлаш муҳим ўрин тутди.**

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган tadbirkor жамоалар каторида «Хорунбек сервис» масъулияти чекланган жамиятининг муносиб ўрни бора. Фаолият бошлаганига кўп бўлмасида, жамоа ахли юртимизда tadbirkorлар учун яратилаётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланмоқдаки, бу харидорлар сафи ортишида аҳамият касб этмоқда.

Корхона раҳбари tadbirkor аёл Дилрабо Содикованинг таъкидлашича, жамият цехларига Таиланддан келтирилган бичиш ҳамда тикиш дастгоҳлари ўрнатилган бўлиб, уларни ўз ишининг ус-талари бўлган малакали чеvarлар бошқаришади. Шу боис бўлса керак, қисқа давр ичида буюртмалар ҳам ортиб бормоқда.

Ўз фаолияти давомида tadbirkorлар кўплаб корхона, фирма, коллеж ва лицейларнинг буюртмаларини тез ҳамда соз уддалашди. Корхонада тикилаётган замонавий дизайнли кийим-кечакларнинг харидор дид ва талаби асосида тайёрланганлиги яхши самара бермоқда.

Келгусида цехлари кенгайтириш асосида ишлаб чиқариш қувватини ошириш, аёлларга қўшимча ишчи ўринлари яратиш кўзда тутилган.

**Шарофат БАХРОМОВА**



Танловлар

РАСМЛАРДА АКС ЭТАР ҲАЁТ

**«Камолот» ЕИХ томонидан ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, билимли, соғлом ва ватанпарвар қилиб тарбиялаш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада кучайтириш, Ватанга, унинг бой тарихига муҳаббатини шакллантириш, Ўзбекистон ва Озарбойжон ёшлари ўртасида ўзаро маданий-маърифий алоқаларини йўлга қўйиш, ёшларни тасвирий санъатга кенг жалб қилиш, шунингдек Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва Озарбойжон Республикаси Ёшлар ва спорт вазирлиги ўртасида имзоланган 2009-2010 йилларга мўлжалланган қўшма режа ижроси йўлида «Озарбойжон ҳақида нима биласиз?» мавзусидаги расмлар танлови эълон қилинган эди.

Жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойлари давомида танловнинг маҳаллий ва худудий босқичлари юқори савияда ташкил этилди ва ўтказилди.

Танловнинг барча шартлари бўйича республикамизнинг турли худудларидан 1500 дан ортик

ёшлар ўзларининг икки мингга яқин расмлари билан иштирок этишди. Танловга юртимиз ва Озарбойжоннинг тарихий жойлари, урф-одатлари, аънавалари ўз аксини топган расмлар қабул қилинди.

Яқинда эса ушбу танловнинг республика босқичи «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгашида бўлиб ўтди. Унда кўйи босқичларда гоилиблини кўлга киритган ёш рассомларнинг 100 дан ортик ижодий ишлари намойиш этилди.

Танлов ғолиблари «Камолот» ЕИХ махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Танловда биринчи ўринни кўлга киритган ёш ижодкорларга Озарбойжон республикасида бир хафталик сەҳнат йўланмалари берилди.

**Ойдин ИБРАГИМОВА,**  
**«Камолот» ЕИХ етакчиси**  
**СУРАТДА: танловдан лавҳа**  
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

Соғлом она — соғлом бола

СОҒЛОМ ОИЛАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ — КЕЛАЖАГИМИЗ ГАРОВИ

**Кейинги пайтларда жамиятимизда соғлом оила, туғиш ёшидаги аёллар соғлигини тиклаш, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш, соғлом оилани режалаштириш каби тушунчалар оммалашиб кетди.**

Дарҳақиқат, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Бу борада ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қарорлар, Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳаётга таъбиқ қилинмоқда ва ижобий натижаларга эришилмоқда.

Жумладан, оилаларда бехатар ҳомиладорлик, бехатар туғруқ, репродуктив саломатлик борасида, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, унинг салбий оқибатлари ҳақида аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари самарали олиб боришмоқда. Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий куриги, улар билан ўтказиладиган савол-жавоб кечалари ва учрашувлар бунга яққол мисолдир. Соғлом оилани шакллантиришда ёш келин-куёвлар саломатлигини ҳимоя қилиш, аниқланган касалликларни ўз вақтида даволаш, муаммоларни бартараф этиш жуда муҳимдир.

Учтепа туманида ҳам тиббиёт ходимлари оила патронажи, оилани режалаштириш, истилмоган ҳомиладорликнинг олдини олиш чора-тадбирлари, контрацептив воситаларни тарғиб қилишда фаол ҳаракат қилишмоқда. Республика Репродуктив саломатлик маркази БМТнинг Аҳолишунослик ва Ривожланиш жамғирмаси томонидан ташкил этиладиган семинар-тренинг машғулотларида акушер-гинеколог, умумий амалиёт шифокорлари ҳамда ҳамширалар фаол иштирок этишиб, ўз малакаларини оширмоқдалар. «Соғлом она — соғлом фарзанд» шиори ҳар бир оиллага кириб борган.

Фарзандларимиз саломатлиги йўлида биз тиббиёт ходимлари ўз кўч-ғайратимизни аямаймиз. Шу борада халқимиз саломатлиги, аёлларимиз соғлиги, авлодларимиз баркамоллиги учун нималарни билиши-мик кераклигига тўхталиб ўтмоқчиман.

Бугунги кунда ёшларнинг эрта оила қуриш ҳоллари кўп қузатилмоқда. Афсуски, 16 - 18 ёшда аёл киши организми соғлом фарзанд туғилишига тайёр бўлмайдир. Эрта фарзанд қўриш ёш она саломатлигига ҳам, ундан туғилажак бола саломатлигига ҳам маълум даражада хавф туғдириши мумкин. Қизлар 20 ёшдан кейин жисмонан ва руҳан оналикка тайёр бўлади. Эрта турмуш қуриш кўпинча фарзандсизликка, боланинг ой кунини етмай чала туғилиши каби асоратларга олиб келиши мумкин. Ҳомиладор бўлиш, болани дунёга келтириш билан боғлиқ жараёнда она организми ўзини жуда кўп миқдорда қувват сарфлайди, толиқадир. Кўзи ёриган аёл организми ўзини қайта тулик тиклаб олиши, яъни навбатдаги фарзандни қўришга тўла ва тайёр бўлиши учун камида 3-4 йил вақт керак бўлади.

Эътироф этиш жоизки, она сутининг таркибида махсус иммунитет гормонлар бўлиб, улар бола организмининг турли хил касалликларга қарши қураша олишида, гудакнинг ўз ҳаётининг дастлабки кунларидан соғлом, бақувват бўлиб ўсишини таъминлашда, ақлий имкониятларининг ортишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Айтиш керакики, аёллар учун фарзанд қўришининг энг қулай даври 20-30 ёш оралиги ҳисобланади. Ёши ўтган, яъни 35 ва ундан юқори ёшда бўлган аёллардаги ҳомиладорлик нафақат аёлнинг саломатлиги, балки туғилажак фарзанд учун ҳам хавфлидир. Чунки ушбу ёшдаги аёлларда ички аъзоларнинг касалликлари (камқончи, эндокрин, юрак-қон томир, буйрак касалликлари ва

ҳоказо) кўп учрайди. Бу эса, нафақат ҳомиладорлик даврини, балки туғруқ жараёнини ҳам асоратга дучор этади.

Қариндошлар ўртасида тузилган никоҳ натижасида тумга ривожланиш нуқсонлари билан туғилиш хавфи 2,5 фоизни, ақли заиф бўлиб туғилиш ҳолати эса 3 фоизни ташкил этади. Шундай оилалар борки, биринчи фарзанднинг ноғирон, ақдан заиф туғилган бўлишига ҳамда шифокорларнинг қаттиқ қаршиликларига қарамадан, кейингиси соғлом туғилади, деган илнжидек иккинчи-учинчи фарзандини дунёга келтираверишади. Тўғри, баъзи ҳолатларда бундай никоҳдан болалар соғлом туғилади. Аммо ҳар бир инсонда ота ва онадан ўтадиган иккита ген мавжуд бўлиб, улар соғ-носоголом кўринишда бўлиши мумкин. Бундай вазиятда, туғилдиган фарзанд соғлом, аммо «ташувчи» бўлиб, нуқсонлари кейинги авлодга етказиб беради. Турмуш қуриш арафасида турган қариндош ёшларни турли анализлар ёрдамида кўрикдан ўтказиладир. Бирок бу кўриклар натижасида барча генларни текширишнинг иложи йўқ. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қариндошлар орасидаги никоҳга йўл қўймастик тавсия этилади.

Яна бир нарса, эспирин йигитлар тортинчоқликини хос билиб ўзларидаги айрим муаммолари ҳақида мутахассисга ўз вақтида мурожаат этмайдилар. Бу эса руҳий, жисмоний, тиббий ва оилавий кўнгилсизликларга олиб келади.

Кадрли ёшлар, шунинг унутмангки, сиз мустаҳкам ва соғлом оила қуриш, соғлом ва баркамол фарзанд қўришни истасангиз албатта юқоридаги маслаҳатларга амал қилинг.

**Зайнаб ЭЛМУРОДОВА,**  
**Учтепа тумани Марказий кўп тармоқли поликлиниканинг гинекология бўлими мудири**

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАХАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИНИНГ

